

Илмий-тадқиқот ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш секторининг 2017 йил май ойидаги ижобий ишлари

1. 2017 йил 10-12 май кунлари бўлиб ўтган X Республика “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” ярмаркасида 5 та йўналишда 500 дан ортиқ инновацион ғоя ва ишланмалар намойиш этилди. X Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Тошкент фармацевтика институти олимлари “Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика” йўналишида 7 та янги илмий ишланмалари билан иштирок этишди: 1. ”Диабенит” капсулалари.. 2. ”Мэкритин” 3. ”Мелоксикам”.4. ”Дермостоп” суртмаси.. 5. ”Диабефор” капсулалари. 6. ”Туклибаргли ханделия” гулининг суюқ экстракти. 7. ”Кобальт-30” капсулалари.

Бундан ташқари, ёш олим ва талабаларнинг илмий ишланмалари каторида “Портулак (lot. *Portulaca oleracea*) ўсимлигидан куруқ экстракт ва капсула дори шаклини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш”, “Бош бармоқнинг нотўғри ривожланганлиги ҳамда болаларда ясси оёқлик касаллигининг олдини олиш ва даволаш учун ортопедик бириктиргичлар ва тагликлар” ва ““Варикознет” гели – антитромбоген воситаси” билан қатнашилди.

X Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси доирасида фармацевтика корхоналари билан 604 000 000 сўмлик шартномалар имзоланди.

Ярмаркада фаол иштирок этган инновацион ишланмалар муаллифларидан 8 нафарига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари, кўргазма иштирокчиларига диплом ва сертификатлар топширилди.

Шунингдек, 3 курс талабаси Мирхўжаев А. “Талабаларнинг энг яхши инновацион ғояси” номинацияси ғолиби бўлиб, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар (3 млн. сўмлик ва 1 йил давомида интернет тармоғига бепул уланиш) билан тақдирланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг майдаги сонли хатига жавобан 2018 йилдан бошлаб таянч докторантура ва докторантурада давлат бюджети маблағлари ҳисобига биринчи босқичда таълим олувчи докторантлар учун қабул квотаси бўйича асосланган тақлифлар берилди (16 май).

2. Н.Т.Фарманованинг “Ташхис” газетасига “Рўзада қувватбахш махсулотлар” номли мақола чоп этилди ва “Аптека слушаёт” илмий оммабоп

журналига “Лекарство: сделано на основе растительного сырья” мавзусида интервью берилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958 Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 28 апрелдаги 8-7-4/513 кўрсатма хатида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2017 йил 1 майда 244-сонли буйруғи чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВнинг 2017 йил 26 апрелдаги 2/4 - сонли Олий таълим муассасалари педагог кадрларни хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий марказларида малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, докторантура (PhD) ҳамда магистратура дастурлари бўйича ўқитишга тайёргарликни ташкил этиш тўғрисидаги Ҳайъат қарорини ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2017 йил майда буйруғи чиқарилди.

5. Ўз Р ОАК сайтининг эълонлар базасига докторлик диссертация мавзулари киритилди.

6. Қуйидаги анжуман таклифномалари кафедраларга тақдим этилди:

- “Корпоратив бошқарув: жорий ҳолат, муаммолар, тенденциялар ва ривожланиш истиқболлари”;
- “Актуальные проблемы физики и химии полимерных композитов” ;
- “Приоритетные научные направления: от теории к практике”.

7. ССВ нинг 19.05.2017 йил 8н-4-90 хатини ижросини таъминлаш мақсадида таклифлар берилди.

Илмий-тадқиқот ва илмий – педагог кадрлар
тайёрлаш сектори мудирини

Н.Т.Фарманова